ШАРТНОМА № 118

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

«10» 01 2022 йил Фарғона т.

Низом асосида фаолият юритувчи Волиев Фидоятбек Белгород шахрининг номидан рахбари Р. Тиллажонов биринчи томондан бундан буен «Харидор» деб юритилади, низом асосида фаолият юритувчи Сотув номидан рахбари Р. Ниёзов иккинчи томондан бундан буен «Сотувчи» деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартномани тузидилар.

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.«Сотувчи» узига тегишли булган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса кабул килиб олинган махсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

1.2.«Сотувчи» «Харидор» га куйидаги микдор ва ассортиментда товар етказиб беради.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирл.	миқдори	Нархи	Суммаси	ККС		Жами суммаси ККС билан
						Ставка%	сумма	
	Масоко	кг.	1200	3795	4554000			
	Сметана	кг	60	11000	660000			
	Творог	кг	110	11000	1210000			
					6424000			

Товарларнинг шартномавий умумий бахоси: Олти миллион тўртюз йигирма тўрт минг сўм. сўм

2.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, махсулот (курсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблагини утказиш йули билан туловни амалга оширади.

2.2. «Харидор» томонидан колган 70 фоиз тулов «Сотувчи» томонидан товарлар етказиб берилиб, хисоб – фактура тақдим килингандан сунг туланади.

3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

3.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 3 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

4. ТОВАР СИФАТИ

4.1. Етказиб берилаётган товар еки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни кайтариб олиб куйиш хукукига эга;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тугрисида биллдиришнома олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 1.2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк бахосини кайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириши лозим.

5.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб уз вактида махсулотни кабул килиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниклангандан сунг, ушбу тугрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хакида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича туловлар амалга оширилишига йул куйилмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

6.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот кийматининг 0,5 % миқдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган махсулот кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.3. Шартнома талабларида курсатилган, белгиланган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот кийматининг 20 % миқдорида жарима тулашига сабаб булади.

6.4. «Харидор» томонидан олинган товар еки махсулот учун туловлар уз вактида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарк етказиб берувчи томонидан копланади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 . Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда туслаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка хар кандай холатлар тегишлидир.

7.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш еки кушимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иктисодий суди оркали Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал килинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

8.3. Ушбу шартнома 2022 йил «10» 01 дан 2022 йил «31» 01 гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошкармаси (булими)да белгиланган тартибда руйхатдан утказилганидан сунг конуний кучга киради.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

« Сотувчи »

« Волида » фермер хужалиги

Манзил: Фарғона тумани Чекшура кишлоги
Тел./факс: 8-595-404-59-52, 400-59-52
х/в : 20208000604119845001

Банк номи: АТ Халк банки Тошкент шахар Бош амалиётлар Бошкармаси

МФО: 01125 СТИР: 203616024

ИФУТ: 01420 ККС: 330190054804

Рахбар: Г.Сатторов.

Хукукшунос: E.A.GANIYEV

« Харидор »

Волиев Фидоятбек
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Белгород шахрининг Ниёзобод

Тел./факс

ш/х/р 23402000300100001010

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201122919

ИФУТ : 5411

Газначилик бошкармаси номи: Фарғона вилояти буйича Газначилик бошкармаси (шахар, туман булинмаси)

ЯГХ: **23402000300100001010**

Банкнинг номи: **Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош бошкармаси Хисоб - китоб касса маркази (ХККМ)**

МФО: **00014**

Газначилик бошкармаси СТИРи: **201122919**

Рахбар (бюджет ташк) (Ф.И.Ш) Р. Тиллажонов